



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 75 (9571).

1989 йил 19 апрель • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

ТЎСИҚЛАРНИ КИМ ОЛИБ ТАШЛАЙДИ?

ДОИМО танқид қилиниб, дакки эшитиб келган «Қозғонистон ССР 30 йиллиги» колхоз деҳқонлари эндиликда анча қадларини ростлаб олдилар.

Оилавий пудрат усулига ўтиш муваффақиятлар гаврои бўлмоқда, дейди колхоз раиси Ғ. Турсунов, — колхозчилар ўзларига ишониб топширилган ер, бог ва тоқзорларнинг ҳақини кўпайинлари бўлиб қолмоқда. Уларда қўллариди мулкка жонқуялик, масъулиятни ҳис этиш, ўз-ўзига ва бошқаларга талабчанлик, фикрни дадил ҳамда ошқоқра айти билан каби фазилатлар мустақкам қарор томоқда. Оилавий пудрат афзаллиги амалда шунга олиб келдики, 1988 йилда колхознинг ялпи даромади 2 миллион 539 минг, соф фойда 712 минг сўмга етди. Бу эса мазкур хўжалик ҳаётида мисли қўрилмаган юксак натижадир. Колхозчиларнинг бир қулиқ ўртача иш ҳақи район миқёсда энг юқори кўрсаткич — 9,16 сўмини ташкил этди. Оилавий пудрат усулига ўта бориш туфайли хўжаликда зиён қўраётган соҳалар тобора камаймоқда. Масалан, 1987 йилда бўлган тармоқлар ўн учта эди, 1988 йилда олти тармоқ оқсади, холос...

Лекин шу — «холос» сўзи кўпчиликини ўйлантирмоқда. Ҳақиқатан ҳам катта меҳнатлар билан олинган даромадини қайсидир соҳа нега баракасини ўчириб юбориши керак? Чорвачилик хўжалик гарданида қачонгача тирик тоvon бўлади! Деҳқон қанчадан-қанча машаққатлар билан етиштирадиган ҳосилини нима учун ўз вақтида халққа етказиб бера олмайд? Ахир, қавланган сабзи, ҳафта, ўн кун олин ҳавода қолиб кетса, ёки машинага ортлаганича саргардон қилинса нима бўлади: сўлиди, ҳатто молларнинг ейишлари ҳам ярқиса бўлиб қолади. Колхознинг маоши уч ойлаб қўлига тегмаслигига нима дейсиз?! Ер тақсимидаги номуносибликлар қачонгача давом этади?

Колхоз — колхозчиники. Демак, колхоз тақдирини колхозчининг қўлида. Ўз навбатида, колхозчи тақдирини ҳам колхоз тақдирини билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, экинларни жойлаштиришда нега оқилона иш юритилмайд? Қасодга учраши мумкин бўлган баъзи экинлар (масалан, пийё) та нима учун муттасил катта-кўта майдонлар ажратилад? Шаронти зайраклик билан ҳис этиш, планлаш-

тиришда тўғри йўл тутиш, шу зайдда барча тармоқ раванқини баравар таъминлаш зарур. Юқоридан бўладиган асосиз буйруқбозликларни асосли равишда рад этиш, ҳақ-хуқуқни аниқ далил ва исботлар билан ҳимоя қилиш, охири-оқибатда тараққиётнинг истиқболли йўлини топиб олиш зарур.

Колхозда экология муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади: маълумки, мазкур колхоз территориясида асосиз иш бошлаган йирик корхона табиат муҳофазаси тарафдорларининг жиддий қаршилигига дуч келди ва ашқол-дашқоқлини ортиб, жўнаб қўлишга мажбур бўлди. Аммо улар колхозга етказган катта моддий зарар — 338 минг сўм ҳамон ўндириб олинмади. Бу, ахир колхозчининг пешона тери, ҳалол меҳнат билан топан бойлиги-ку!

Колхоз раҳбарлари эса колхозчи ҳақини ўз жойига қайтариш йўлида дадил ҳаракат қилишлари керак. Бу соҳада қўрилмаган тадбирларнинг самараси бўлиши учун албатта жамоатчиликнинг мустақиллигини таъминлаш зарур. Агрофмухт мустақиллигини таъминлаш учун курашда Социал-демократия кишилари хушёрлик, ҳамжиҳатлик ва жангварлик кўрсатсаларгина мақсадга эришиш мумкин бўлади.

А. АСИЛОВ.

«НАВОЙ» ҚАЕРГА КЕТДИ?

БУНДАН 10—15 йиллар илгари пойтахтимизнинг Муқимий номи музыка драма театри қаршида, катта кўчанинг кунботар томонида Навоий номи кинотеатр бўлди. Ўша пайтда ушбу дахга келган ҳар бир киши Навоий, Муқимий, сал нарироқда Гафур Ғуломлар маданий мероси, улуғ адиблар номидаги маданият масканларини кўришарди.

ЭСИЗ—ЭСИЗ ХИЁБОН

Яқинда эски шаҳардаги Калинин майдонида дам олиб ўтирсам, Жангоб томондан кўкракларига ордан ва медаллар таққан башанг қийнган уруш ва меҳнат ветеранлари, Бутуниттифок оқсоқоли Михаил Иванович Калинин ҳайкали олдида келдилар. Уларнинг сўхатлари менга яққол эшитилиб турпти. Тарихни эслаб, бўлган воқеалар ҳақида гапиришарди.

— Ёдингизда борми? — ҳайкалга имо қилиб деди улардан бири. — Михаил Иванович Калинин ўша, 1925 йилда Ўрта Осиёга келганда ўлкамиз, умуман меҳнаткашлар турмушини билан қизиққан. Худди шу ерда маҳаллий аҳоли ўрта-сида кўчи сузлаган эди. Шу бу хибон тарихий бўлиб қолди. Кейинчалик унга атай ҳайкал ўрнатилди.

— Бу-ку, яхши иш бўл-

ди-я, лекин кейинги вақтларда бу майдоннинг фазиси кўтарилаётти, — ганин давом эттирдиган ошқоқол ота-чон, — илгари хибонда ўриндиқлар кўп эди. Мен яхши эслайма, Кунинга сув сепиларди. Кейинги вақтларда ўриндиқлар камайиб, бу ер қаровисиз бўлиб қолди.

Мен ветеранларни ташвишлантираётган бу масалани ўрганишга, кўпчилиكنинг муҳокамасига ташлашга аҳд қилдим.

Ўзим бу ердан кўп ўтман. Ҳақиқатан бу мўъжизагина хибонинг кўрими илгари бошқача эди. Одамлар, сар-салқинда дам олишарди, газета-журналлар ўқиш ўтиргандилар кўп кўрадими. Минг афсуски, қайсидир мансабдорнинг ўйламай берган фармойиши билан тарихий хибон енгил машиналар тураллиган жойга айлангирлибди. У ерда бироз ўтир-

сангиз вағиллаб у ёқдан бу ёққа ўтган машиналарнинг товушини, газ ҳидидан беҳузур бўласиз. Чиройли қилиб ётқизилган плиталар машина ёғилдираклари остида синиб кетаяпти.

Хибон етагидан ўндан ортиқ автобус тўхтайдиган бекат бор. Бундан икки йил олдин бу ерга чиройли қилиб сойон қўрилганди. Яқинда бу сойон ҳам йўқ бўлиб қолди. Қайс ташиқлиб қурди-ю, қайсиси бузди, ҳайронсан. Давлатнинг маблагини беҳудага соурилмоқда.

Баҳор келди. Хуллас, бинойидек бир кўрам хибонининг шу ҳолга солиб қўйиб бефазр қарашини нима деб ўхшасасан бўлади. Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раҳбарларининг ана шу масалалар муносабатини билмоқчи эдик.

Д. АХМЕДОВ.

А. АБАЗОВ.

Чўпон ҳолидан хабар олинг

ОЧИҒИ, Ўстонлиқ райониди Фрунзе номи колхозга қўзғалтиш масъулини қандай ўтаётгани билан танишиш мақсадида борган эдик. Беадирсийнинг чап томони, сойлик бўйига жойлашган саройда янги туртилган қўзиларни овозларини эшитилиб туртиш. Қўзиларни масъули аяқиди экан. Бош чўпон Бўрибой Сидиков билан сузлашдик. У аввалгига бу йилги режаларини, қилаётган ишларини айтди. Лекин унинг ниманидир ишларга қўрилган биллини турдари. Охири дилдангиди очди.

— Тўғрисикин айтсам, йилгирма етти йилдан буён чўпонлик қиламан. Мана шу

даврдая янглишмасам биринчи марта отарингизга мухбир келишим. Тўғри, колхозимизга газ, радио ва бошқа матбуот ташиқлотларидан қўпчилик ташириб юборади. Лекин раҳбарларимиз уларни барча шаронтилар муҳай қилиб қўйилган отарларга олиб боришарди. Бизнинг саройимизда эса кўриб турганингиздек аҳвол жуда ночор. 1971 йилда қўрилган бу бинога ҳалигача оддий электр токи ҳам келтирилмаган. Мана шу атрофда етти кўра сойлик бор. Биз ҳисоблаб ҳам чиқдик. Агар 30 та устун бўлса, бемалол электр симини тортиш мумкин экан. Шунга қарамай ҳар юз бош совлиқдан юзта-

дан ошириб насл олаётимиз. Аммо кечасилари қийин бўлади. Электр йўқ, уч-турта керосин билан ёнадиган чирой билан нима ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун тунда туртилган айрим қўзилар нобуд бўляпти.

Мен бўлар-бўлмасга шикоят қилишим, толишим ёмон кўраман. Лекин колхозни қўй-қўзиси учун жон куйдираман, раҳбарлар ваъдасидан нарга ўтишмаси кишига алам қилар экан. Қўраларнинг ёнидаги қўйлар сува ичадиган новини ҳам кўрган бўлсангиз керак. Битта ана шундай идишдан 40—50 та қўй сув ичди. Бу нотўғри. Талашиб-тортишиб жониворлар сувни тўкиб юборишарди,

бунинг устига 40—50 та қўй бўлгандан кейин сув лойқаланди, ичига ярамай қолди. Шу тариқа айрим қўй-қўзилар сув ичмасдан далага қайтиб кетди. Мана шу оддий масалани ҳам ҳал этиш нахотки мураккаб бўлса?!

Хуллас, қўйчиликни ривожлантираман деган киши бугун отарларга чиқиб, чўпоннинг ҳолидан, қўй-қўзиларнинг айловолидан хабар олиб турини керак.

Ўйлашмики, хўжалик мутасаддиларини оддий чўпон муҳофазаларини ҳисобга олади.

А. ШАХАНОВ, жамоатчи мухбир.

ҲАЙКАЛЛАРГА БИР НАЗАР

ҲАР сафар бирор юмуш билан Тошкентга борар эканман, уйга қайтишда нимадандир кўнглим тўлгандек сезаман ўзимни. Сабаби, республика пойтахтида рус адабиётининг зарбардаст вакиллари А. С. Пушкин, М. Горький, партия ва давлат арбоблари Ф. Дзержинский, М. Фрунзе, М. Калинин, В. Куйбишевларнинг ҳайкаллари, улар номи билан аталган хибонлар ва майдонлар бор, лекин шаҳар кўчаларида Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқат, А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, М. Шайхзода каби ўзбек ёзувчи ва шоирларининг ҳайкаллари кўрмаймиз. ТошМИ биноси қаршисига ўрнатилган Ҳамза ҳайкали эса яшириб қўйилгандек дараклар орасида қолиб кетган.

Мен рус адиблари ва давлат арбобларининг ҳайкаллари қарши эмасман. Аксинча, улар билан бирга ўзбек халқининг муносиб фарзандлари хотираси ҳам унутилмаслиги ни истардим.

Д. АХМЕДОВ.

А. АБАЗОВ.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ- КАШЛАРИ! КПСС Мар- казий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорла- рини амалга оширингиз!

Социалистик мулкчиликнинг турли шакллари ва хўжалик юртишнинг хилма-хил турлари негизда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилайверингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларидан).

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 24-ва 26-моддалари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг 85-Бўна сайлов округи бўйича, 89-Димитров сайлов округи бўйича 1989 йил 13 апрелда, 108-Келес сайлов округи бўйича 1989 йил 14 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайловларини белгилаш тўғрисидаги Фармонлари асосида халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қарор қилди:

Ун биринчи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакиллари билан шартли равишда тасдиқланган:

85-БЎНА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА
Маматов Шухрат — округ сайлов комиссияси раиси — давлат муассасалари ходими раиса, район Совети ижроия комитети бошланғич касабаси союзи ташкилотидан.

89-ДИМИТРОВ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА
Тўхтабоев Мустаф Шаматов — округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — марказий район шифонасаси врач, шу шифона меҳнат коллективидан.

Жадилова Гаҳар — округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Менделеев номи 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, шу мактаб педагогика коллективидан.

Республикада ўрта сайлов округидан СССР Халқ депутатлигига номзодлар қўраш шихосига етди. Ана шу округларда 14 май куни қайта сайлов ўтказилди.

Сайловдаги йилгилик кенг демократиялаш ва ошқоралик, меҳнаткашларнинг гражданик фаоллиги ошган ваъдига ўтди. Истиқомат жойларида бўлиб ўтган йилгиликларда меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва граждандар 82 кишининг номзодини қўрашди.

15—16 апрель кунлари сайлов округларида сайлов олди йилгиликлари бўлиб ўтди. Округ сайлов комиссиялари жами еттига миллий-территориал ва учта территориал сайлов округидан СССР Халқ депутатлигига 19 номзодни қўрашга олди. 108-Навоий мўйил-территориал округидан, 110-Самарканд миллий-территориал округидан, 112-Термиз миллий-территориал округидан, 117-Тошкент—Октябрь миллий-территориал округидан учтадан номзод қўрашга олди. Улар орасида ишчилар 31,5 процентини, колхозчилар 26,3 процентини ташкил этади.

(ЎзТАГ).

Округ сайлов комиссияси аъзолари
Абсаторова Лидия Толпонова — «Партия XIX съезди» колхоз аъзоси, шу колхоз меҳнат коллективидан.

Федотов Петр Иванович — район ишлаб чиқариш корхонаси слесари, шу корхона меҳнат коллективидан.

Каримова Дилра — В.И. Ленин номи 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, шу мактаб меҳнат коллективидан.

Исломов Қурбонли — пахта заводининг хавфсизлик техникаси инженери. Бўна пахта заводи бошланғич партия ташкилотидан.

Оққулова Қорасоч — аҳолига манлий хизмат кўрсатиш район ишлаб чиқариш бошқармаси итисодчиси, шу ишлаб чиқариш бошқармаси бошланғич касабаси союзи ташкилотидан.

Маманов Меҳти — Ҳамза номи колхоз комсомол комитети секретари, шу колхоз бошланғич комсомол ташкилотидан.

Ким Виссарион Павлович — округ сайлов комиссияси раиси — Димитров номи колхоз партия комитети секретари, шу колхоз бошланғич партия ташкилотидан.

Турмубетов Абдулжаббор Ахатович — округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Калинин номи совхоз ишчиси, шу совхоз бошланғич касабаси союзи ташкилотидан.

Ойлов Аскар Одилович — округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Абдурахмонов номи совхоз директори, шу совхоз бош-

ланғич партия ташкилотидан.

Арсенова Дилбарой Арғибековна — округ сайлов комиссияси секретари — халқ депутатлари Келес шаҳар Совети ижроия комитетининг бухгалтер, шу ижроия комитети касабаси союзи ташкилотидан.

Богорубова Елена Викторовна — Ломоносов номи 32-ўрта мактаб ўқитувчиси, шу мактаб бошланғич комсомол ташкилотидан.

Душкина Лидия Ивановна — район халқ таълими бўлими бухгалтер, шу бўлим ходимлари меҳнат коллективидан.

Мухамедов Дархонбой Борзобоевич — Навоий номи колхоз бригадир, шу колхоз бошланғич партия ташкилотидан.

Морозова Евгения Григорьевна — Келес жунини қайта ишлаш фабрикаси жунчиси, шу фабрика бошланғич партия ташкилотидан.

Савдуллаев Зейдулла — Ленин номи колхоз аъзоси, шу колхоз бошланғич партия ташкилотидан.

Худойбердиева Муҳаббат — район марказий поликлиникаси врач, шу поликлиника бошланғич касабаси союзи ташкилотидан.

Ижроия комитет раиси А. ЎЗЎЛШЕВ.
Ижроия комитет секретари А. МАНСУРОВ.

Область Совети партия группасининг мажлиси шу заливни ўнда соат 10 да бўлади.

Депутатлар соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Шу туфайли ҳам биринчи квартал топириги 105 процент атрофда бажарилди.

Машинасозлар республикамиз пойтахтидаги Октябрь революцияси номи тепло-ремонт заводи ва В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг шу йил 22 апрелда улуг доҳий В.И. Ленин тутилган кунининг 119 йиллигига бағишлаб умумхалқ ҳашари ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватладилар. Барча цехлар ва участкаларда шу кун амалга оширилди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда шанбада 1800 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қўлига явалон уради. Аскарят кўпчилик машинасозлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлади. Улар ўз иш постларини ағаллайдилар. Юзлаб машинасозлар эса ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш юмушларини амалга ошириш билан шуғулланидилар. Шанбадан тўшган барча маблаг беш йиллик фондига ўтказилди.

ган тадбирлар пухта режалашмоқда.

Бу сурач чигит экин аини қизинг пайтда Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг донгдор бригадир Аҳмад Душабев тракторчи Шокир Исронов (чапдан) билан дала иплари ҳақида маслаҳатлашиб турган пайтда олинган эди. Ҳозирги кунда миришкор деҳқонлар барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олиш, гектарларнинг тўла, кўчатларнинг бут бўлишини таъмин этишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

ТЕКИС
УНДИРИБ
ОЛИНАДИ



«Ахборот» бўлими почтасидан

ИККИ ХАЛҚНИНГ
КИТОБ БАЙРАМИ

Яқин кунларда Чирчиқ оладилар. Бундан ташқари шахри аҳолиси халқлар дўстлиги, биродарлиги мўъжаз воқеасининг гувоҳи бўлади. Бу ерга қозоқ адиблари, китоб савдоси билан шуғулланувчи ноширлар, китоб савдоси ходимлари ташриф буюрадилар.

23—24 апрель кунлари Чирчиқда китоб байрами ўтказилди. Унга қардош республикадан келган меҳмонлар ўзлари билан бирга Олмаотада қозоқ, рус ҳамда уйғур тилларида нашр этилган китоблари олиб келди. Шу кунги областимизнинг Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгйўл, Янгйобод шаҳарларидан келтирилган китоблар ҳам савдо пештакчаларида кўйилди. Шу билан бир қаторда китоблар уйда икки республика ўртасида бу борадаги истиқбол ишлариغا режалар тузиб

қозогистонлик меҳмонлар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, билим юрлари, шунингдек, маҳалаларда бўлиб учрашувлар ўтказиладилар.

— Улар Бўстонлиқ Коммунистик районларида ҳам бўлиб, ўзаро мулоқотлардан ташқари жойларда китоб савдоси ҳам ташкил этилди, — дейди Тошкент обростикининг директори Ойдин Ортин.— Яқин вақтларда Чирчиқ шаҳрида Олмаотада нашр этилган китоблар билан савдо қилувчи иккита магазин очилади. Шу билан бир қаторда Олмаотада ҳам республикамизда нашр этилган ўзбекча китоблар билан савдо қилувчи дўконлар очиб қўйиладилар.

Р. УСМОНОВА.

ОТА-ОНАЛАРГА КОНЦЕРТ

Мана, ярим асрдан орттиқ вақт ўтдики, В. И. Ленин номидаги пионер ва ўқувчилар саройи қошидаги музика мактаби ёш музикашуносларнинг семил даргоҳига айланган.

Бу мактабни дастлаб битирганларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда республиканинг турли бурчларида, шу жумладан М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида фаолият кўрсатаётганлар.

Яқин кунларда ҳам музика мактабига кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Ёш музикачилар «Музика ҳафталиги», «Санъат байрами» каби анъанавий кўриниш-конкурсларда фаол қатнашиб, мухлислари хушнуд этишмоқда. Уларнинг айниқса мактаб, боғча-ясиллар, болалар уйларида намойиш этилаётган программалари ёшларга манзур бўлаётти. Бу концертларни амалга оширишда мактаб педагогларидан О. Иброҳимова, К. А. Жумалиева ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовор.

Ўқув даргоҳида ўқув-тарбия ишларини тақомиллаштиришнинг янги усуллари изланмоқда. Яқинда худди шундай тадбирлардан яна бири ўтказилди. Қ. Н. Курбонов раҳбарлик қилган ўзбек халқ тоғлиқ асбоблари ҳамда М. А. Селиванов бошчилигидаги баян-аккордеончилар синфидаги ўқувчилар ўз ота-оналари ҳузурини концерт беришди. Ё. Солиқов, М. Исоқов, Ф. Турсунов каби ёш музикачиларнинг чиқишлари яхши таассурот қолдирди.

А. АЗИМОВ.

ҚОРАСУВДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Пойтахтимизнинг 6-Қорасув массивида 320 ўринли болалар комбинати қад ростлади. Мазкур бинони 159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармасидаги Жўрабек Хусанхўжаев бошлиқ

С. СУЛТОНОВ.

ШИФОХОНА ВА ДИСКОТЕКАЛАРГА

Тошкент автомобиль йўллари институти коллективи томонидан конструкцияланган янги товуш синтезаторлари шифохона ва дискотекаларда қўлланишга мўлжалланган. У радио ва телепрограммаларни овозлаштириш, кечаларни ўтказиш,

Ю. РОМАНОВ.



СССР Алоқа министрлиги куйидаги янги маркаларини савдога чиқарди.

— АНА шу янги маркаларнинг бири кўп марта фойдаланиладиган биринчи косини кема «Бураннинг парвозига бағишланган. Металлография услубида чоп этилган бу марканинг қиймати 50 тиын туради.

— ПЕТРОВДВОРЕЦ фаворалари ва шалолаларига бағишланган янги маркалар серияси филателистларини, айниқса, қизиқтириши турган гап. Ушбу серияга кирувчи, қиймати 5 тиын турадиган маркада Катта шалола ва «Самсон» фавораси тасвир этилган. Бу сува камалаги пиллаво шаклида пайсийиб боруви 17 сува ҳазаналар ва 75 фаворалар иборатдир. Каскад архитектура-дизайн Самсон қибраси марказий ўринини эгаллаган.

Қиймати 10 тиын турадиган почта маркасида «Адам» фавораси акс этган. «Олтин тоғ» каскади тасвири туширилган марканинг қиймати 15 тиын туради. Машхур каскад 21 пиллапоздан ташкил топган бўлиб, унинг тепасида Тритон, Нептун ва Воксанинг мармар ҳайкаллари қад кўтариб турибди. Унда куйроқда эса, деңгиз амвоҳлари кўринишидаги маскоронлар жойлашган. Бу гўзал ҳайкалтарошлик композициясини 12 мармар ҳайкалча ва уларнинг икки ён бошида жойлашган манзарали арча дараклари тўлдирди.

«Рим» фаворалари 30 тиынлик маркада тасвир этилган. Оқ оқ жигарранг ва кўкиш мармарлар тилла суви юртидан маржонлар, лавр дасталари ва маскоронлар билан безатилган. Бу серияни «Дубок» фавораси акс этти-

